

ПЕРСОНАЖЛИ ЛИРИКАДА ЛИРИК КЕЧИНМА ИФОДАСИ

Орипова Гулнозахон Муродиловна,
Фаргона давлат университети адабиётшунослик кафедраси
катта ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. Мақолада персонажли лирикада ўзга шахс шеър субъектларидан бирига айланиши ва шеър диалогиклик ёки полифониклик хусусиятига эга бўлиши, лирик кечинма ўзга шахс тилидан ифода этилиб, мустақил гоаявий-бадиий аҳамият касб этиши тадқиқ этилган. Персонажли лириканинг субъектив шаклланишига кўра ижровий лирика ва тавсифий лирикадан фарқланиши мустақиллик даври маҳсули бўлган шеърлар таҳлили орқали ёритилган. Персонажли лириканинг ўзига хос ифода йўсинлари таҳлили орқали ижодкорларнинг бадиий маҳорати очиб берилган.

Калит сўзлар: лирик кечинма субъекти, персонажли лирика, поэтик ифода йўсини, диалогиклик, полифониклик, лирик кечинма.

LYRICAL EXPRESSION IN CHARACTER LYRICS

Oripova Gulnozakhon Murodilovna,
Department of Literature of Fergana State University
senior teacher, doctor of philosophy in philology (PhD)

Abstract. In the article, it is researched that in character lyrics, the other person becomes one of the subjects of the poem, and the poem has dialogic or polyphonic features, the lyrical experience is expressed in the language of another person, and acquires an independent ideological and artistic significance. The differentiation of character lyrics from performance lyrics and descriptive lyrics according to subjective formation is explained through the analysis of poems that are the product of the period of independence. The artistic skill of the creators is revealed through the analysis of the unique expression lines of the character lyrics.

Key words: subject of lyrical experience, character lyric, way of poetic expression, dialogicity, polyphonicity, lyrical experience.

ЛИРИЧЕСКОЕ ВЫРАЖЕНИЕ В ПЕРСОНАЖНОМ ЛИРИКЕ

Орипова Гулнозахон Муродиловна,
Кафедра литературы Ферганского государственного университета
старший преподаватель, доктор философии по филологическим наукам
(PhD)

Аннотация. В статье исследуется, что в характерной лирике другой человек становится одним из субъектов стихотворения, а стихотворение имеет диалогические или полифонические черты, лирический опыт выражается на языке другого человека, приобретает самостоятельную идейную и художественное значение. Дифференциация характерной лирики от лирики исполнительской и лирики описательной по субъективному формированию объясняется на основе анализа стихотворений, являющихся продуктом периода независимости. Художественное мастерство создателей раскрывается через анализ уникальных экспрессивных линий лирики персонажей.

Ключевые слова: субъект лирического переживания, характер лирического, способ поэтического выражения, диалогичность, полифоничность, лирический

опыт.

Кириш. Мустақиллик даври лирикаси “асрлар давомида амал қилиб келинган поэтик канонларни инкор қилиб, ўзгарган мазмун-моҳиятга мос янги шакл бобидаги изланишлар даврига кирди. Бу изланишларнинг энг муҳим ва шеърятимизда туб янгиланишларга олиб келган йўналишлари сифатида шеърнинг ритмик-интонацион сатҳида, поэтик ифода йўсини ва субъектив ташкилланишдаги ўзгаришларни кўрсатиш мумкин” [1:274]. Ҳозирги шеърятимизда лирик кечинма субъекти ва объекти нуктаи назаридан ижровий лирика, персонажли лирика, мездатив лирика ва тавсифий лирика таснифланади. Бу эса лириканинг специфик хусусиятларини белгилашга хизмат қилади.

Эпик ва драматик асарларда бўлгани каби лирик шеърларда ҳам персонажлар иштирок этади. Бундай шеърый асарлар персонажли лирика деб аталади. Персонажли лириканинг илдизлари ўзбек фольклори намуналарига бориб тушушади. Айтишув усулидаги халқ кўшиқларида диалогиклик хусусиятлари мавжуд бўлиб, бу кўшиқлар персонажли лириканинг илк куртаклари ҳисобланади. Масалан, лапарлар ва ўланлар, одатда, диалог шаклида ижро этилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Персонажли лирика субъектив шаклланишига кўра тавсифий лирикадан фарқланади. Рус олими Г.Н.Поспелов “Лирика” номли асарида лириканинг специфик хусусиятларини кўрсатар экан, тавсифий лирика билан умумий хусусиятларга эга бўлган персонажли лирикани ажратади [2:103]. Профессор У.Ҳамдамов XX аср ўзбек шеърятини лириканинг субъектив эврилишлари борасида фикр юритар экан, персонажли лирикани театр санъатининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ адабий ҳодиса сифатида талқин этади [1:270]. Персонажли лирикада “ўзга шахс шеър субъектларидан бирига айланиши, унинг тилидан ифода этилган лирик кечинма (ўй-фикр, ҳис-туйғу) мустақил ғоявий-бадий қиммат касб этиши, бошқача айтсак, шеър диалогиклик (полифониклик) хусусиятига эга бўлиши тақозо этилади” [3:224]. Шундай экан, В.В.Дубровская талқини билан айтганда персонаж бадий матнда тилга олинган шахсдир.

Тадқиқот методологияси. XX аср бошларида ўзбек шеърятини бадий идрокнинг ва ифода имкониятларининг кенгайганлиги персонажли лириканинг гўзал намуналари яралишига сабаб бўлди. Мустақиллик даври ўзбек лирикасида ҳам персонажли лириканинг ўзига хос ифода йўсинларини мазкур давр шоирлари ижодида учратамиз. Абдулла Ориповнинг “Алишер ва талаба” шеъри персонажли лирикага мансуб бўлиб, шеърда лирик персонаж – вазири аркон Мир Алишер Навоий Ҳирот шаҳарларини айланиб, улуснинг дарди, бевабечораларнинг аҳволдан хабардор бўлишни истайди. Жами фуқаро Ҳазратга таъзимга чиқади. Пешвоз чиққан юзлаб талабалар орасидан бир талабага ногоҳ боқади ва отдан тушиб, бориб талабани кучади. Бу ҳолат барчани ҳайратга солган эди.

... Охир бир мулозим сабри тугаб лол,
Алишерга шундоқ ташлади савол.

- Кимга шу аснода бахт қулди экан,
Айтинг, ул талаба ким бўлди экан?

Ўйчан бир табассум қилдию жаноб,
Мулозимга секин айлади жавоб:

- Эсимда, ёш чоғим, кўп йиллар нари,
Менга сабоқ берган унинг падари...[4:24].

Шеърдаги персонажнинг хатти-ҳаракати ва нутқи (мулозимга айтган жавоби) орқали ўқувчи Ҳазрат Алишер Навоий шахсига хос бўлган инсонийлик фазилатларини кўришга муяссар бўлади. Шоир маҳорати шундаки, улуғ Ҳазрат Мир Алишер Навоий сиймосини яратишда персонажли лирика имкониятларидан кенг фойдаланган. Шеър маснавий тарзида ёзилган бўлиб, драмага хос хусусиятлар ҳам кузатилади. Шеър ўқувчи кўз ўнгида сахнада ижро этилаётгандек таассурот уйғотади.

Абдулла Ориповнинг персонажли лирикага хос бўлган “Паҳлавон” шеъри ҳадислар таъсирида яратилган. Шеърда лирик персонажлар учта: Ҳазрати пайғамбар, Саҳобалар ва Расулulloҳ бўлиб, шеър полифониклик хусусиятига эгадир. Шеър куйидаги мисралар билан бошланади: “Бир суҳбат чоғида Ҳазрат Пайғамбар Ўртага ташлади савол ногаҳон. Айтдилар: – Зарурат туғилса магар Кимни атардингиз асл паҳлавон?” Кейинги бандда Саҳобалар нутқи орқали асл паҳлавон кураш майдонида ғолиб бўлганда билиниши айтилса, шеърнинг учинчи хулосавий бандида ҳиссий-фалсафий фикр ҳукмрон бўлиб, Расулulloҳ тилидан айтилган фикр шоир поэтик ғоясини, фалсафий қарашларини ифодалайди:

Расулulloҳ деди: – Кўхнадир жаҳон,
Турфа хил куч-қудрат бордир одамда.
Лекин ўз жаҳлини енголган инсон
Ҳақиқий паҳлавон эрур оламда ...[5:213].

Абдулла Ориповнинг ҳадислар таъсирида ёзилган “Эзгулик” шеъри ҳам персонажли лирика намунаси. Шеър уч банддан иборат бўлиб, лирик субъект сифатида лирик персонаж ҳам бўй кўрсатади ва унинг нутқи орқали шеърнинг ҳиссий-фалсафий пафоси намоён бўлади: “Ахир Расулulloҳ демишқу ул дам: – Ҳамиша саховат йўлидан юргил. Майиздай қоп-қора бошли ҳабаш ҳам Яхши иш қилганда ёнида тургил!”

Шунингдек, шоирнинг “Ранглар ва оҳанглар” туркумига кирувчи “Миллат”, “Эътиқод” каби шеърларида ҳам лирик персонажлар нутқи мустақил ғоявий-бадий қимматга эга. Масалан, “Миллат” шеърида башарият тупроқ ва обихаётдан яралганлиги боис Ернинг зурёди ва шу замин барчага Она эканлиги ифодаланар экан, ўзга юртда сафарда юрган чоғида корейлик нуроний онахон билан учрашиб қолган лирик қаҳрамон учрашуви куйидагича тасвирланган:

Бир зум қисик кўзларини тикканча кампир,
Жилмайдию шама қилди афтимга қараб:
– Ўз тилингни унутибсан яхшимас, болам...[6:30]

Шеърда корейлик онахон лирик қаҳрамон билан бирга лирик персонаж сифатида бўй кўрсатади. Шоир инсониятни “Инсоният – илдизи бир яхлит чинордир” қиёси орқали тасвирлайди. “Эллар ва миллатлар яшнаб турган барглар”, дея таъкидлайди. Шоир поэтик ғояси корейлик кампир нутқи билан бир нуктада кесишиб, лирик персонажнинг шеърдаги аҳамиятини оширишга хизмат қилган.

Эркин Воҳидовнинг 1991 йилда ёзилган “Шум бола” шеъри Ғафур Ғуломнинг шу номли асаридан таъсирланиб ёзилган бўлиб, шеър диалогиклик хусусиятига эга. Шеър янги замон Шум боласи янги замон Бой отаси олдига

иш сўраб бориши баёни орқали бошланиб, шу аснодаги суҳбатлари асосига қурилган.

Шундоқ деди, қуллуқ қилиб,
Гапни қўйиб жойига
Янги замон шум боласи
Янги замон Бойига:

“Қошингизга яна келдим,
Қулоқ солинг, Бой ота.
Сидқи дилдан хизмат қилай,
Ишга олинг, Бой ота” ...[7:88].

Шеър давомида Янги замон Шум боласи ўз айбини – гоҳида рост сўзлаб қўйишини айтади. Бой отанинг эса рост сўзга тоқати йўқ. Чунки ёлғонлар ҳукмрон бўлган муҳитда ҳақиқатга ўрин бўлиши мумкин эмас. Шу тариқа янги замон Бой отаси янги замон Шум боласини ишга олмай қувиб солади.

Бой отанинг жаҳли чиқди,
Деди, кўнглим зормиди?
Ёлғонингга чидаб эдим,
Рост гапинг ҳам бормиди?

Йўқол, сени ишга олсам
Хонавайрон бўламан.
Ёлғонингдан омон қолдим,
Рост гапингдан ўламан!

Шеърда Бой отанинг характериға хос бўлган жиҳатлар “Иннайкейин демай туринг, Қулоқ солинг Бой ота” мисраси орқали ифодаланса, Шум боланинг баъзан ёлғон сўзлаб қўйиш айблари “Фазилатим кўпдир, яна Айбимни ҳам айтганман” тарзидаги ифодада ўз аксини топади. Лекин энди Янги замон Шум боласи ўз фазилатлари ҳақида ҳам айтади “Мен ёлғондан қайтганман”. Шоир ХХ аср 80-йиллар охири 90-йиллар боши воқелигини ана шу тариқа енгил юмор воситасида ифодалайди. Даврнинг долзарб масалаларини ифодаловчи мазкур персонажли лирикаға мансуб шеър ҳозирги лирикамининг маъно ва шакл жиҳатдан янгиланишида ўзига хос таъсир манбаи вазифасини бажарди.

Усмон Азимнинг “Чавандоз улоқдан қайди пиёда” деб бошланувчи шеърда чавандознинг отидан айрилган ҳолати лирик кечинма тасвирида ифодаланган:

Чавандоз улоқдан қайди пиёда,
– Рангларингиз бир ол, айтинг, не бўлди?
– Онаси, дардимни қилма зиёда,
Онаси отгинам...отгинам ўлди ...[8:35].

Шеърда шамолдай учиб бораётган оти қоқилиб, ундан ажралган чавандоз руҳий ҳолатлари тасвирланади. Сўнгги бандда туни билан хўрсиниб чиққан чавандозға хотинининг шивирлаб айтган гапи шеърнинг ғоявий-бадий қимматини ярқ этиб кўрсатади: “Чавандоз хўрсинар...Тонг отар эди, Энг сўнгги юлдузлар Борарди ботиб, Хотини шивирлар: “Ҳеч хафа бўлманг, Сизга от оламиз уй-жойни сотиб...”

Усмон Азимнинг “Хамсага татаббу” туркумидаги “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр” шеърлари персонажли лирикаға мансуб бўлиб, булар орасида “Сабъаи сайёр” полифониклик хусусиятига эгадир. Чунки шеърда етгита сайёҳ тилидан дунё ҳақида айтилган фикр келтирилган. Шеър

куйидагича бошланади: “Бир сайёҳ айтдиким, Дунёни кўрдим, Ноласи йўқ эрур Қўшиқдан ўзга”. Шеърнинг кейинги мисраларида иккинчи сайёҳ дунё асл жамолини кўздан яширганлигини, учинчи сайёҳ дунё қадами жон фароғати эканлигини, тўртинчи сайёҳ дунёнинг мағзи дўстнинг дўстга рақобатдан иборатлигини, бешинчи сайёҳ кафтида кум бўлб оққанлигини, олтинчи сайёҳ малак суратлилигини, еттинчи сайёҳ эса ичида одамзот бўлган чала иморатлигини айтади. Шеърнинг сўнгги бандида ғойибдан келган нидо орқали дунёни англаш фалсафаси ҳиссий тарзда ифодаланади ва бу хулосавий ечим тарзида акс этади: “Ғойиб нидо айтади: – Яхшилаб қаранг... Ҳаёту мамотдан Дунё иборат”.

Агар юқоридаги персонажли лирикага хос шеърларга эътибор қаратсак, уларда, асосан, диалогиклик хусусиятини кузатамиз. “Сабъаи сайёр” шеърида эса етти сайёҳнинг фикрини келтириш орқали полифониклик хусусияти персонажли лирикада ифода имкониятларини кенгайтиришга замин бўлган.

Таҳлил ва натижалар. Улуғбек Ҳамдамнинг “Қор ёғаркан...” шеъри айтишув шаклида яратилган бўлиб, ўзбек халқ оғзаки ижодининг лапарларини ёдга солади. Мазкур шеърда лирик персонажлар йигит ва қиз диалоги орқали лирик кечинма драматик ҳолат билан уйғунлашиб, гўё сахнада ижро этилаётгандек таассурот уйғотади.

Йигит: Айланиб тушар қор йўлимга,
Қўлингни кўйгил ёр қўлимга...

Қиз: Қор эмас, осмондан қор эмас,
Афсона ёғмоқда кўнглимга.

Шеърнинг кейинги бандларида ошиқ-маъшуқалар “Биз бирга борурмиз ўлимга!” дея қасам ичадилар ва сўнгги бандда шоир “сахна”га чиқиб, уларнинг тақдирини ҳақида изоҳ беради:

Шоир: (Қўлларни қўйдилар қўлларга,
Жон чекиб тушдилар йўлларга...) [9:169].

Банддаги изоҳнинг шоир томонидан қавс ичида берилиши ремарка (французча изоҳ)ни эслатади. Тўғри, “ремарка драматик асарларда муаллиф томонидан сахна воқеасининг бошланиши олдидан берилувчи ёки унинг кечиши давомида қавс ичида бериб борилувчи изоҳлар” [3:248] дир. Лекин “ҳозирда эпик асарлардаги диалоглар давомида муаллиф томонидан бериб борилувчи (овоз тони, оҳанг, темп, паузалар; мимика, имо-ишоралар, персонажнинг ҳаракати ва ш.к.ларга оид) изоҳлар ҳам кўпинча ремарка деб юритилмоқда” [3:249]. Шу нуқтаи назардан қаралганда, юқоридаги шеърда шоирнинг қавс ичида берган изоҳи (персонажларнинг ҳаракати) ремарка сифатида қабул қилиниши мумкин. Демак, персонажли лирикада синкретизм ҳодисаси кузатилиши бу ҳозирги ўзбек лирикасининг субъектив ташкилланишида ифода имкониятларининг кенгайиши билан боғлиқ жараён дир.

Матназар Абдулҳакимнинг “Кўрқоқнинг қўшиғи” шеърида лирик қахрамон – ўғил ва лирик персонаж – ота иштирок этган. Яъни персонажли лирикада лирик қахрамон билан бирга лирик персонаж (ўзга бир шахс) ҳам иштирок этади. Шеърда воқелик бор, албатта, лекин воқелик асосида шеър субъектларидан бирига айланган лирик персонаж (ота)нинг тилидан ифода этилган лирик кечинма мустақил ғоявий-бадиий қиммат касб этган. Бу эса персонажли лирикага хос хусусиятлардан биридир. Шеър ота ва ўғилнинг тўйдан қишлоққа қайтиши чоғида шўх бир қўшиқ куйлаётган кимса овози эшитилиши тасвири

билан бошланади. Лекин қўшиқ куйлаётган одамнинг овози кўркувдан қалтирар эди: “Сўлим оқшом ичра поёнсиз адир Ойдинда сут янглиғ ялтирар эди. Лекин... қўшиқчининг саси негадир Аллақандай мудҳиш қалтирар эди”. Бу ҳолатдан руҳиятида маҳзунлик сезган ўғилга донишманд ота йўлни бошқа томонга буриш кераклигини ва бу қўшиқни куйлаётган кимса тун ваҳимасидан кўрққанлиги учун куйлаётганлигини айтади:

Гамгин тортиб қолдим. Рухдан кетди нур.

Отам кўп донишманд одам эдилар.

“Болам, бу қўшиқда хосият йўқ, юр,

Бошқа йўлдан кетамиз, - дедилар.

Тун ваҳмидан кўрқиб куйлаяпти у

Шундай одамлар ҳам бўлади.

Ҳозир салом берсак чиқиб рўбарў,

Юраги ёрилиб ўлади” [10:214].

Шеърнинг сўнги мисраларида лирик қахрамон (ўғил) ва лирик персонаж (ота)нинг объектга (воқеликка) мушоҳадавий қарашларида бирлик намоён бўлади: “Кўрққанингдан қўшиқ айтсанг, бу – даҳшат Кўрққанингдан қўшиқ айтсанг, бу – жирканч”.

Хулоса. Персонажли лирикада ўзга шахс шеър субъектларидан бирига айланади ва шеър диалогиклик ёки полифониклик хусусиятига эга бўлади. Лирик кечинма ўзга шахс тилидан ифода этилиб, мустақил ғоявий-бадиий аҳамиятга моликдир.

Адабиётлар

1. Улуғбек Ҳамдам. Янги ўзбек шеърляти. – Тошкент: ADIB, 2012. – Б.274., 270.
2. Поспелов Г.Н. Лирика. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 1976. – С.103.
3. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2013 - Б. 224., 248.
4. Абдулла Орипов. Савоб. – Тошкент: Маънавият, 1997. – Б.24.
5. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Иккинчи жилд. – Тошкент: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. - Б.213.
6. Абдулла Орипов. Ранглар ва оҳанглар. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2012. – Б.30.
7. Эркин Воҳидов. Тўла асарлар тўплами. 3-жилд. – Тошкент: SHARQ, 2016. – Б. 88.
8. Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б.35.
9. Улуғбек Ҳамдам. Сени кутдим. – Тошкент: Фан, 2007. – Б.169.
10. Матназар Абдулҳаким. Танланган асарлар. Икки жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Ф.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. – Б.214.